

Шартнома №2

(Мехмонхона хизмати курсатиш тугрисида)

Гулистон ш.

«05» январь 2022й

HUMO GULISTON OK таъсис шартномасига асосан иш юритувчи раҳбари Игамкулов А. бундан кейин матнда «Хизмат кўрсатувчи» деб номланувчи бир томанидан ва иккинчи томондан Ипотека банк Сирдарё вилоят филиали бошқарувчиси бундан буён матнда «Хизматдан фойдаланувчи» деб номланувчи низом асосида иш юритувчи Раҳмонкулов О. шартномани куйидаги шартлар асосида тўздилар

Шартнома предмети ва суммаси

- 1.1 «Бажарувчи» «Буюртмачи» га мехмонхона хизматларини курсатиш «Буюртмачи» эса курсатилган хизматлар учун ҳақ тулаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2 Курсатилган хизмат ҳақи ҳар бир ҳолатда Буюртмачи томонидан буюртма берилган кун амалда булган мехмонхона прејскуранти (нархномаси) ёки тижорат таклифи буйича белгиланади.
- 1.3 «Буюртмачи» чет эл фуқаролари учун буюртма берганда мехмонхонада чет эл фуқаролари учун белгиланган мехмонхона прејскуранти (нархномаси) ёки тижорат таклифи буйича белгиланади.
- 1.4 Ҳар бир буюртма буйича хизмат ҳақининг умумий суммаси буюртмада курсатилган умумий хизмат курсатиш муддати ва мехмонхона прејскурантидан келиб чиқиб ўзаро келишилган ҳолда ҳисобланади.
- 1.5 Умумий шартнома суммаси ҳисоб- фактурага асосан амалга оширилади.

2. Тулов шартлари.

- 2.1 «Буюртмачи» курсатиладиган мехмонхона хизматлари учун туловни «Бажарувчи» ни ҳисоб рақамига пул кучириш йули билан ҳисоб китоб қилади.

3. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 3.1 «Буюртмачи» нинг барча мувожаатлари зудлик билан қуриб чиқиш ва 3 кун ичида қарор қабул қилиш.
- 3.2 «Буюртмачи» мехмонхона урнатилган яшаш тартиб қоидаларига тулик риоя қилади ва мехмонхонадан фойдаланиш жараёнида ўз айби билан мехмонхона жихозларига етказилган моддий зарарни тулик тулайди.
- 3.3 «Буюртмачи» миқозлар сони ва келиш кун ҳақида «Бажарувчи»га 3 кун олдин ёзма равишда «Буюртма хати» орақли хабардор қилиш мажбуриятини олади.
- 3.4 «Буюртмачи» мехмонхона хоналарида санитария, техника ҳафсизлиги қоидаларига ва мехмонхона ички тартиб қоидаларига тулик риоя қилади.
- 3.5 Мехмонхонани тарқ этаётганда мехмонхона хизматчисига хонани туликлигача топширади.

4. «Бажарувчи»ни ҳуқуқ ва мажбурияти

- 4.1 «Буюртмачи» талабига асосан мехмонхона таърифига қура хизматларни таклиф қилиш.
- 4.2 Мехмонлар жойлашган хонани тозалаш ва бошқа мехмонхона хизматини курсатади.
- 4.3 Мехмонхона умумий фойдаланиш жойларини санитария ва техник ҳолатини сақлайди.
- 4.4 Шартномада курсатилган сумма миқдорида ва белгиланган тартибда мехмонхона ички – тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда хизмат курсатиш мажбуриятини олади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1 «Буюртмачи» мехмонхона ва ётоқхона хизматидан ортикча фойдаланганидан сунг такдим этилган ҳисоб фактурадаги суммани 5 кун ичида тулик ҳисоб китоб қилинади. Агарда уз вақтида тулик ҳисоб-китоб қилинмаса тулов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 % фоиз миқдорида пеня тулайди. Бундан пеня миқдори курсатилган хизматлар суммасини 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

5.2 «Буюртмачи» ёзма буюртма асосида олдиндан жой (номер) банд (брон) қилгандан сунг ушбу жойдан банд (брон) қилинган кунларда фойдаланмаса (бир куни олдин банд қилинган жойни бекор қилиш ҳақида ёзма хабар бермаган булса) банд (брон) қилинган жой (номер)ни 1-чи кун учун перескурант буйича тулик ҳақини тулайди. Кейинги кунлар учун банд (брон) бекор қилинган ҳисобланди.

5.3 «Бажарувчи», «Буюртмачи»ни талабига биноан мехмонхона хизмати курсатишни кечиктирганда курсатилиши лозим булган суммани 2% миқдорида жарима тулайди.

6. Форс-Мижор ҳолатлари.

6.1 Табиий офатлар (ёнгин сув тошқини, ер қимирлаш ва ҳоқоза) содир булганда томонлар мазкур шартнома мажбуриятларини қисман ёжи тулик бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этиладилар. Бундай ҳолларда «Буюртмачи» ҳам «Бажарувчи» ҳам бир бирларидан компенсация ва бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақли эмаслар.

6.2 Табиий офатлар руй берганда томонлар зудлик билан мазкур шартнома мажбуриятларни бажара олмасликлари ҳақида хабардор қиладилар.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби.

Мазкур шартнома шартларига риоя қилмаганда шартнома шартларини бузган ёки бажармаган томон Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунга асосан жавобгар буладилар.

Мазкур шартнома мажбуриятларини бажариш буйича барча низоли масалалар томонларни узаро қелишув йули билан ҳал этилади. Агарда узаро қелишувга эришилмаса низо хужалик суди орқали ҳал этилади.


8. Шартномага қушимча узгартириш тартиби ва муддати.

8.1 Шартномани бир томонлама узгартириш мумкин эмас. Мазкур шартномага қушимча ва узгартиришлар томонларнинг узаро қелишувига асосан ёзма шаклда тузилиб имзолангандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Шартнома иккала томон имзолангандан сунг қучга қиради ва 31-декабрь 2024 йилгача қучга эгадир.

«Хизмат курсатувчи»

«Хизматдан фойдаланувчи»

<p>HUMO GULISTON OK Манзил : Сирдаре вилояти Гулистон шаҳар Халқлар Дустилиги кучаси 43 ўй Тел: +998943512000 P/C: 20208000805283003001 MFO: 00370 ИНН: 307757777 ОКЭД: 55100 Рахбар Игамкулов А.</p> 	<p>«IPOTEKA BANK» SIRDARYO VILOYAT FILIALI GULISTON SHAHAR NAVOIY 53 X/R 19909000900000364041 STIR:200324912 MFO:00364 OKONX:96120 TEL:221-00-49</p>  
---	---